

## **Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

**а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини ташкил этиш;

**б) ёшлар ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш**, унда иштирок этувчи давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини **мувофиқлаштириш** ҳамда мазкур соҳаларда қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

**в) соҳага оид комплекс дастурларни** ишлаб чиқиш ҳамда ёшлар ва спорт соҳасида фаолият юритадиган **нодавлат нотижорат ташкилотлар** ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш;

**г) ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш**, уларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

**д) ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш**, иқтидорини рўёбга чиқариш, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

**е) аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш** ва соғлом турмуш тарзига **кенг жалб этиш**, спорт таълим тизимини такомиллаштириш, спорт турлари бўйича юқори натижадор **спортчилар захирасини яратиш**;

**ж) Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш**, нуфузли халқаро мусобақаларда спортчиларнинг **муваффақиятли иштирокини таъминлаш**;

**з) ёшлар сиёсати ва спорт инфратузилмасини модернизация қилиш**, соҳани босқичма-босқич рақамлаштириш, соҳадаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш, **халқаро ҳамкорликни** ривожлантириш;

**и) ёшлар сиёсати ва спорт соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни** йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар тақдим этиш.